

Сулаймон Соқир “Онага яхшилик қилишнинг 150 йўли” китоби.  
Абдуллоҳ РАҲИМБОЕВ таржимаси

## Онага яхшилик қилишнинг 150 усули

### Муқаддима

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳнинг номи ила бошлайман. Барча мақтов, шукрлар оламларнинг тарбиячиси Аллоҳга бўлсин. Набий ва расулларнинг энг шарафлиси бўлган пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафога, у зотнинг аҳли оилаларига ва асҳобларига салоту саломлар ёғилсин!

Аллоҳ таоло Қуръони Каримнинг кўп ўринларида Ўзининг ҳаққини ота-онанинг ҳаққи билан ёнма ён келтиради. Аллоҳ таоло марҳамат қиладики:

**“Роббинг фақат Унинг Ўзигагина ибодат қилишингни ва ота-онага яхшилик қилишингни амр этди. Агар ҳузурингда уларнинг бирлари ёки икковлари ҳам кексаликка етсалар, бас, уларга «уф» дема, уларга озор берма ва уларга яхши сўз айт! Икковларига меҳрибонлик ила хокисорлик қанотингни паслат ва «Роббим, алар мени кичикликда тарбия қилганларидек, уларга раҳм қилгин», деб айт”. (“Исро” сураси, 23, 24-оятлар)**

Уларга яхшилик қилишни эса жаннатга киришга сабаб қилиб қўйди. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган саҳиҳ ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай марҳамат қиладилар: **«Хор бўлсин, хор бўлсин, хор бўлсин!»** Шунда саҳобийлар: **«Ё Расулуллоҳ, кимни айтаяпсиз?»** – деб сўрашди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ота-онасининг иккаласи ёхуд бири кексайиб қолган вақтида ҳаёт бўлиб, сўнгра жаннатга кирмагани»,** – дедилар. (Муслим ривояти)

Бу борадаги оят ва ҳадислар ота-онанинг ўрни ва фазли ҳақида умумий шаклда келган бўлса, онанинг ҳаққи улуғлигини алоҳида баён қилиб берадиган бошқа ҳадислар билан хосланади. Она бундай шарафга ҳомиладорлик ва дунёга келтириш қийинчиликлари, тарбиялаш ва шу йўлда дуч келинадиган қийинчиликларни матонат билан бўйнига олгани учун сазовор бўлди. Она инсонларнинг яхшилик қилишга энг лойиқроғидир.

**Сулаймон Соқир “Онага яхшилик қилишнинг 150 йўли” китоби.**

**Абдуллоҳ РАҲИМБОЕВ таржимаси**

Баҳз ибн Ҳаким розияллоҳу анҳу отаси ва бобосидан ривоят қилди, бобоси айтди: «Эй Расулуллоҳ, мен яхшилигимни кимга қилсам бўлади?» – деб сўрадим. «*Онангга!*» – дедилар. Мен шу саволимни уч маротаба қайтарсам ҳам, Расулуллоҳ «*Онангга*» деявердилар. Тўртинчи маротаба сўраганимда: “*Отанга ва яқин бўлган қариндошларинга*”, – дедилар.

Қўлингиздаги китобда, онага нисбатан, турли ҳолат ва вазиятларда қилинадиган муомаланинг 150 йўли берилган бўлиб, эндиликда онага амалий тарзда яхшилик қилиш ва фарзандларнинг Аллоҳнинг изни ила оналарининг розиликларига ноил бўлишлари кўзда тутилгандир. Хусусан, шаръий таълимотлардан хабардор фарзандлар бу таълимотлардан ҳам воқиф бўлиб, кундалик ҳаётларида уларни татбиқ қилишга йўл қидиришлари айтилган муддао бўлади.

Мен ўша йўллари мавзулар асосида тартибламасдан ёздимки, киши турли шароитларда ҳаёт кечираркан, ўзига муносибини танлаб олсин. Ҳар хил ерларда яшаркан, муайян ҳолатларнинг айтилган ўзига хослашдан малолланмасин. Шунингдек, бу китобдан нафақат ўғил фарзандлар, балки қиз фарзандлар ҳам фойдалана оладилар. Яна бу китобдан фақатгина қиз фарзандларнинг ўзларига тегишли бўлган нуқталар ҳам ўрин олган.

Аллоҳ таолодан ота-оналаримиз ҳақларига риоя қилишимизга мадад беришини, барчамизни ота-оналаримиз билан фирдавс жаннатларида бирга бўлишимизни, бизга ўз лутфи ила уларга меҳр-муҳаббат, шафқат ва яхшилик қилишни насиб қилишини ва Ўзининг розилигига муваффақ қилишини сўраб қоламан.

## **Киришишдан олдин**

Ота-оналарига яхшилик қилишга муваффақ бўлганларнинг кўпчилигининг ҳолатларини тааммул қилиб кўрдим. Уларнинг қилаётган ишларини осон, уларнинг розилигига эришиш учун қилган ҳаракатлари енгил, ишларини хурсандчилик билан қиладилар. Улар кўп меҳнат қилиб, катта машаққатни кўтармайдилар. Улар доимо уч нарсани ташийдилар: зийрак (фаросатли) қалб, кулгувчи юз (табассум) ва ихлос. Ихлос ҳар қачон юқоридаги иккаласини озиқлантириб туради. Муваффақият уларнинг ҳамроҳлари, тавфиқ эса йўлдошларидир.

**Сулаймон Соқир “Онага яхшилик қилишнинг 150 йўли” китоби.**

**Абдуллоҳ РАҲИМБОЕВ таржимаси**

**Азиз биродарлар!**

Бу китобда менинг атрофимдаги оналарига яхшилик қилаётганларни кузатиш асносидаги мушоҳада ва мулоҳазаларим ўрин олган бўлиб, шояд уларга эргашишга сабаб бўлса, уларнинг йўллариغا эргашишга, муваффақ бўлсак деган умидда тақдим қиляпман.

Қуйида яхшиликнинг 150 йўли турибди, улар орасида татбиқ қилишга лойиғини топсангиз, шошилиб қолинг, шошилинг... Агар лойиғини топмасангиз ҳам, биродарингизни дуодан бенасиб қилмаслигингизни сўрайман.

### **1. Ҳар бир муносабатга атаб муносиб ҳадя танланг.**

Онанинг совғани қабул қилишлари орқали сизни бахтиёр этишларидан миннатдор бўлиб тақдим айланг. Мисол учун: байрам кунларида, фарзандларнинг тўйларида, фарзандлар муваффақиятга эришганда, сафардан қайтганда, қиш-ёз мавсумлари кирганида, хасталикдан шифо топганда ва бошқа шу каби муносабатларда.

### **2. Онанинг банк ҳисобига пул ўтказиш.**

Бунда фарзандлар шерикликда онанинг эҳтиёжларини қондириш, зарурий ашёларини харид қилиш учун ўзи сўрамасдан бурун банкдаги ҳисобига ҳар ой муайян маблағ ўтказадилар. Она мансабдор шахс бўлса-да, бу ишни қилса бўлади. Чунки она бундай маблағга эҳтиёж туймаса-да фарзандларининг ўзига қилаётган яхшилигини кўришдан севилади.

**3. Фарзандлар онанинг ҳаёт босқичларида турли ёшларда турлича бўлишини тушуниб боришлари зарур.** Турли ёшларида ўшанга муносиб муомалада бўлишлари керак.

### **4. Онанинг эшиттириб сўзламоқчи бўлган ҳар бир гапингизни танлаб гапиришга ҳарис бўлинг.**

Онанинг унга озор берадиган бирор сўзни ҳам эшитмасин. Биз онамизга оддий сўз бўлишига қарамай уф дейишдан қайтарилганмиз. Энди унга озор бериш нақадар ёмон.

**Сулаймон Соқир “Онага яхшилик қилишнинг 150 йўли” китоби.**

**Абдуллоҳ РАҲИМБОЕВ таржимаси**

**5. Сафарга чиқмасдан олдин хайрлашадиган энг охирги инсонингиз, энг охирги кўзингиз кўрадиган ва яхши кўришингизни айтишингиз керак бўлган инсон онангиз бўлсин. У зот билан юзма-юз ўтиринг, меҳрибонлик қилинг, хурсандчилик бахшида қилинг, уларнинг ҳузурида кўпроқ ўтиринг. Чиқишингизнинг охирги дамларида уларнинг ёнида бўлишингиздан ҳамда Аллоҳнинг изни ила мустажоб бўладиган дуоларига ҳарис бўлшинг. Агар бошқа юртда бўлсангиз, телефон орқали шуларни қилинг.**

**6. Сафардан қайтганингизда ҳам энг биринчи кўришингиз керак бўлган инсон улар бўлсин. Кириб уларга салом беринг, улар билан бирга ўтириб, кўнгилдан суҳбат қуринг. Сафардан эсон-омон қайтганингизни айтиб, уларни хотиржам қилинг. Қачон келишингиз ҳақида олдиндан маълум қилиб қўйингки, кутилмаганда келишингиздан, тайёргарлик кўролмаганларидан хижолат бўлмасинлар. Сафардан қайтганингизда ҳар қандай вақт бўлса ҳам, онангиз билан учрашувни кечиктирманг. Онангиз сизни кўришлари билан кўзлари қувониб, хотиржам бўладилар.**

**7. Сафарда чоғингизда кунлик мулоқотда бўлиб туришга ҳаракат қилинг. Алоқа воситасидаги озгинагина мулоқат уларни беҳад бахтиёр қилади, кўнгилларидаги хавфни (фарзанд ҳақидаги ҳадиксирашни) кетказди ва маҳзунликдан фориғ қилади.**

**8. Ҳар куни кўриб туришга ҳаракат қилинг. Агар бир ўлкада яшасангиз, уларни кўришдан, суҳбатларини олишдан дунё ишлари сизни машғул қилиб қўймасин, зеро, бу уларнинг энг кичик ҳақларидан биридир. Бу кўришиш уларнинг сизга бўлган муҳаббатлари миқдорича, ўринларининг юксаклигича бўлишига ҳаракат қилинг. Баъзи кишилар шошиб келиб, шошиб кетиб қоладилар. Баъзи кишилар салом берадилар-у, кўзлари соатларида бўлади, безовталаниб ўтирадилар. Уларнинг ҳақлари фарзандларнинг юмушларидан кўра буюкроқ.**

**9. Агар она бошқа бир ўлкада яшайдиган бўлса, бу ҳолатда фарзанд ҳар куни мулоқотга чиқиши керак бўлади. Бундай бўлмаслигига бирор сабаб тўсқинлик қилмаслиги лозим.**

**10. Онага берган энг чиройли нарсаларингиздан бири уларга яқин бўлиш ва севган инсонларига меҳрибонлик қилишимиздир. Албатта,**

**Сулаймон Соқир “Онага яхшилик қилишнинг 150 йўли” китоби.**

**Абдуллоҳ РАҲИМБОЕВ таржимаси**

она учун фарзандлар инсонларнинг энг азизи ҳисобланадилар. Шунинг учун улар (фарзандлар)га хуш муомалада, лутфу икромда ва ишларида кўмакчи, ҳаётларида ёрдамчи бўлинг. Она берган тарбиясининг мевасини, яхши самара берганини кўргандагина хурсанд бўлади.

**11. Уларни бошларидан, кўлларидан ва оёқларидан ўпинг.** Бу билан уларга катта сурур бахшида қилинган бўласиз. Бу онанинг оддийгина ҳақидир. Бу билан онани гўзал суратда тақдирлаган бўласиз. Шу ўринда доктор Майсара Тоҳир айтадилар:

– Мен онамнинг бошларини, кўл ва оёқларини ўпдим, фарзандларим ҳам бошимни, кўлимни ва оёларимни ўпдилар.

**12. Фарзандларингизга сўзда ва амалда онангизнинг мақом ва мартабалари қандайлигини билдириг.** Бу ўзингизни онангиз билан муомалада чиройли ўрناق қилиб кўрсатиш билан бўлади.

Фарзандларингиз сизнинг онангизга қилаётган хизматингиз, қадрлашларингиз, ҳурматларингизга гувоҳ бўлсинлар. Ҳам сизга, ҳам онангизга ана шундай муомалада бўлишларининг энг яхши йўлидир.

**13. Талабларига «лаббай» деб жавоб бериш ва истакларини вақтида бажаришга доимо шай туриш.** Бу онага яқинлашишингизга имконият бўлади, жаҳллари чиқишидан қалқон бўлади.

**14. Уларга ваъда бергандан кейин хилоф қилманг.** Ваъда бериб уни бажаролмас экансиз, у ҳолда асло ваъда берманг.

**15. Ҳаётингизда эришган барча муваффақиятларни аввало Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг фазли, кейин эса уларнинг тарбиясига боғланг (нисбат беринг).** Бу уларнинг кўнгилларига ғурур ва бахт олиб киради. Сурур бахшида этади. Фарзандлари ҳаётда муваффақиятларга эришганларида, тарбияларининг натижасини кўриб мамнун бўладилар. Бу улар берган тарбиянинг меваларидир. Зеро, фарзандларнинг мувоффақиятлари ота-оналарники ҳамдир.

**16. Ҳақ бўлсангиз ҳам, улар билан асло тортишманг.** Агар фойдали ишда бўлса, ўзингизнинг қарашларингизни чиройли усул ва

**Сулаймон Соқир “Онага яхшилик қилишнинг 150 йўли” китоби.**

**Абдуллоҳ РАҲИМБОЕВ таржимаси**

фикрларингизни гўзал муомала билан англадинг. Агар иккинчи даражали ишлардан бўлдиган бўлса, таслим бўлиш, хоҳишларини амалга ошириш, фикрларини эшитиш афзал, муҳим ва энг тўғри иш ҳисобланади.

**17. Инсонлар олдида онангизнинг фикрларини паст санаманг.**

Нафақат одамлар, балки ака-ука, опа-сингиллар олдида ҳам онангиз хоҳ ёнингизда бўлсинлар, хоҳ бўлмасинлар, ундай қилманг. Бу мункара сўз, ёқтирмагани билан уни эслашдир. Хоҳ борликларида, хоҳ йўқликларида бўлсин, уларга одобсизлик билан муомала қилишдир.

**18. Уларни ҳаётдаги баъзи ишларни билмаслиги билан ҳақир, ноқис санаманг, қийматларини туширманг.** Балки уларга ўзингизни билмагандек қилиб кўрсатиб, шу ҳақдаги маълумотларни билдинг.

**19. Уларнинг ҳузурида қаҳ-қаҳа отиб кулишдан ва баланд овозда гапиришдан сақландинг.** Улар ўтирган жойда нафрат назари билан, ғазаб қилган ҳолда юзни буриштирган ҳолда бўлманг. Онангиз ёқтирган ишдан норозилингизни ошкор қилманг. Буларнинг барчаси уларнинг руҳиятларига қаттиқ таъсир қилади.

**20. Ҳаётингизнинг қувончли хабарларини аввало онангиз билан бўлишинг ва сирларингизга шерик қилинг.** Бу билан сиз мислсиз қувонч бағшида қилган ва кўнгилларига яқин йўл топган бўласиз. Қолаверса, катта бўлишингизга қарамасдан ҳамон онангизга муҳтож эканлигингизни кўриб хурсанд ҳам бўладилар.

**21. Сихатларига катта эътибор беринг.** Агар ёшлари ўтиб қолган бўлса, ҳарорат ўлчагич, қанд миқдорини ўлчагич, ўйғотиш, турғазини учун хос бўлган воситалар ва бошқа шу каби воситаларни ўз вақтида етказиб туринг.

**22. Сихатларидан хотиржам бўлиб туришлари учун ойлик текширувни йўлга қўйиб боринг.**

**23. Ёшларига муносиб бўлган эҳтиёжларини қондинг. Ўсмирлик даврида муайян зарурий нарсаларга эҳтиёжлар бўлади, балоғатга**

**Сулаймон Соқир “Онага яхшилик қилишнинг 150 йўли” китоби.**

**Абдуллоҳ РАҲИМБОЕВ таржимаси**

етганлик даврида бошқа нарсаларга эҳтиёж сезилади. Улар сизга эрта болалик даврларидан буён қандай ёрдам берган бўлса, сиз ҳам уларга шундай ёрдам қўлингизни узатинг.

**24. Хасталикларидан сиз ҳам улардек хаста бўлинг.** Тузалганларидан эса бундан жуда ҳам бахтиёр бўлганингизни изҳор қилинг. Уларнинг ҳақларидан доимо дуода бўлинг. Касал жойларига қўлингизни қўйиб, Қуръон оятларини, саҳиҳ руқя ҳадисларини ўқиб дам солинг ва бу билан сиз ҳам яхшилик, ҳам Аллоҳнинг инояти ила саломатликларига сабаб бўласиз.

**25. Касал чоғларида тезда тузалиб, яхши аҳволга келишларини айтиб хотиржам қилинг.** Аҳволлари ҳақида ҳеч қандай ёмон гап эшитишларига йўл қўйманг. У зотга озор берадиган ҳар қандай воқеанинг хабаридан узоқда тутинг. Балки бу Аллоҳнинг инсон ҳаётида тайин қилган суннати эканини, синов бекати экани ва гуноҳларга каффорат бўлиб, тез орада аввалгидек яхши бўлишлари ҳақида хушхабар беринг.

**26. Уларга яшаётган жойларидаги энг яхши мутахассис шифокорларни сафарбар қилинг.** Агар ярасалар, шифокор ҳузурига ўзларини олиб боринг. Шифокорлар билан онангизнинг аҳволлари яхши эканлигини айтиб, хотиржам қилишга келишиб олинг. Гўё дардлари осонгина келиб кетадиган хасталикдек бўлсин.

**27. Уларни силаи раҳм (яъни қариндош-уруғчилик ришталарини боғлаш) да ёрдам беринг.** Уларни ўзларига яқин олган дугоналариникига, қариндош-уруғлариникига олиб боринг. Бу билан уларга сурур баҳшида қилган, силаи раҳмга бўлган аҳамиятларининг кучайишига ва Роббиларига итоатнинг зиёда бўлишига сабабчи бўлган бўласиз. Қариндош-уруғларга онангиз беришлари учун муносиб ҳадялар олиб беришингиз яхши бўлади.

**28. Уларга бир қути қилиб бериб, ичига хилма хил егуликлар, ширинликлар, ўйинчоқ ва кичик совғалардан солиб туринг.** Улар ҳам неваралари ҳузурларига борганда ўшалардан берадилар, невараларнинг ҳам бувиларига бўлган муҳаббатлари зиёда бўлади ва уларга ошно бўладилар.

**Сулаймон Соқир “Онага яхшилик қилишнинг 150 йўли” китоби.**

**Абдуллоҳ РАҲИМБОЕВ таржимаси**

**29. Узоқ масофага сафарга чиқмоқчи бўлсалар, улар билан бирга чиқинг, ҳар вақт ва ҳар ерда уларнинг ёнида бўлинг.** Уйларида то истаган жойларига етиб олгунларича ёнларидан силжиманг. Агар йўқ бўлсалар, улар билан доимий равишда мулоқат қилиб туринг.

**30. Маҳзун бўлганингизни уларга кўрсатманг, бетоблигингиз ҳақида ҳам шикоят қилмангки, улар бундан хавотир олиб ўқинмасинлар.** Ҳаммаси жойидалигини, хотиржамлигингизни айтинг. Шунингдек, Аллоҳ ёрдам беришини, ўзингизга яхши қарашингизни таъкидланг.

**31. Оилавий (эр-хотин) муаммоларни уларнинг ҳузурларида кўтарманг.** Улар бу ҳолатдан маҳзун бўладилар. Жонидан севган ўғлининг турмушидаги муаммо ва қийинчиликлар уларни хурсанд қилмайди, албатта. У зот сизни бахтли кўришдан мамнун бўладиларми, демак, оилавий муаммоларингизни онангиздан узоқроқда сақланг.

**32. Онангизнинг ҳузурларида хотинингизни ҳаддан ташқари мактаб юборманг.** Ёки уларга турмуш ҳаётингизнинг тафсилотлари – сизнинг аёлингизга, аёлингизнинг сизга ҳадялари – ҳақида айтиб ўтирманг. Эр-хотин орасида лутф бўлиши лозим. Лекин она қалби рашк қилади. Ўғли уни бошқа биров билан алмаштиришидан кўрқади. Экувчи бошқа бўлиб, ҳосилини эса бошқа томон йиғиб олишидан ҳадиксирайди. Ҳар нима бўлганда ҳам, шундай вазиятларда иккисининг ҳам ҳақларига риоя этилиши талаб қилинади.

**33. Шунингдек, онангиз ва сизнинг орангиздаги муносабатни аёлингизга ошкор қилманг.** Уларнинг ўринларини кўтаринг, унга зиён келишига асло йўл қўйманг. Улар орасидаги муносабатни мустаҳкамланг. Уларни доим ҳам солиштираверманг. Уларнинг ҳар бирининг ўз ўрни, ҳар бирининг ўзига яраша муомала қиладиган характери, ҳар бирининг амал қилиниши лозим бўлган ҳуқуқ ва бурчлари бор.

**34. Ота-онангиз ораларидаги оилавий муаммоларга аралашидан четланинг.** Улар орасида бетарафликни тутинг ва чиройли насихат қилиб, келишиб яшашларига замин яратинг.

**Сулаймон Соқир “Онага яхшилик қилишнинг 150 йўли” китоби.**

**Абдуллоҳ РАҲИМБОЕВ таржимаси**

**35. Уларни, кийинишларини, кўринишларини, ҳар ишдаги ихтиёрларини, табиатларини, услубларини ва иш жараёнларини танқид қила кўрманг.** Айблари очилиб, бошқалар танқид қилишидан хавотирда бўлсангиз, чиройли услуб билан, хафа қилмайдиган ва қалбларига жароҳат етказмайдиган тадбир билан муомала қилиб тўғриланг. Айбларини очиб, хафа қилиб қўйманг.

**36. Ака-укаларингиз билан алоқаларингизни яхшиланг.** Агарда орангизда бирор муаммо бўлса, буни онангизнинг кўз ўнгларида намоён қилманг, кўрсатманг. Чунки она буни кўрса, хафа бўладилар ва ўкинадилар.

**37. Ота-она ўртасидаги муаммоларда отангиз ҳақилигини билсангиз ҳам, отангизни қўллаб-қувватланг.** Отангизни онангизга билдирмасдан қўлланг.

**38. Диний ишларини ҳикмат ва чиройли мавъиза билан тушунтиринг.** Бу муносиб китоблар ҳадя қилиш, илм ва зикр мажлислари ёки фойдали маърузаларга олиб бориш кабилар орқали амалга ошади.

**39. Уларнинг илм-маърифат мажлисларида иштирок этишларига моне бўлманг.** Улар ўзларида турли хил билимларни шакллантирмоқчи бўлсалар, маърузалар, илмий ҳалқалар, ўтиришлар, диний маросимлар, ОАВда эълон қилинадиган кўрсатувларга йўл очиб беринг. Уларга ҳеч бўлмаганида ойлик илмий-маърифий журналлар етказиб турунг.

**40. Ота-онага яхшилик қилишнинг энг яхши вақти бу ибодат маҳалларидир.** Агар онангиз билан ҳаж ёки умра ибодатида бўлсангиз, уларнинг қуллари бўлинг, уларни эҳтиёт қилинг, меҳрибонлик қилинг, у зот билан бирга бўлишдан лаззатланинг, қўлларидан ушлаб олинг ва йўлдаги ҳодисалар ҳақида хабар бериб турунг. Кўзингизни узманг ва ёрдамнингизни аяманг.

**41. Агар онангизга нисбатан ака-укаларингиздан бирор хато ўтадиган бўлса, улар номидан сиз узр сўранг.** Уларни тарбиялашда онангизга кўмаклашинг. Кўнгиллари синмаслиги учун шайтон аралашганини ва тез орада тўғри йўлга тушиб кетишларини айтиб, онангизни овутинг.

**Сулаймон Соқир “Онага яхшилик қилишнинг 150 йўли” китоби.**

**Абдуллоҳ РАҲИМБОЕВ таржимаси**

**42. Бошқаларнинг онангизга нисбатан қилган номаъқулчиликларини бўрттириб юборманг.** Мисол учун, қариндош-уруғлар, дўстлар ва фарзандлардан ўтган нарсалар кичрайтирилиб, яъни жиддийлаштирмай ҳал қилинсин. Бу билан фарзанд онани тинчлантирган ва яқинларнинг она қалбидаги ўрнини сақлаган бўлади.

**43. Нохуш хабарлар ва тўсатдан содир бўлган нохушликларни уларни енгиллатадиган сўзбошиларсиз айтманг.** Бу каби хабарларни телефон орқали ҳам етқизманг. Балки ёнларига келиб, юзма-юз ўтириб, хабар беришга замин ҳозирлагандан кейингина айтин. Уларга бундай ҳолатларда сабр қилишнинг ажр-мукофотини эслатинг.

**44. Аёл киши неча ёшда бўлмасин, ширин сўзга ҳарис бўлади.** Шунинг учун уларга нисбатан ширинсўз бўлинг. (Агар унутмаган бўлсангиз, улар ҳам бошқа оналар сингари сизга ширинсўз бўлганлар, сизни эркалаб катта қилганлар).

**45. Ёшларини каттайтириб ёки ҳеч ишга ярамайдигандек муомалада бўлманг.** Балки шундай сўзлар айтингки, гўё улар ёш қиз эканликларига далолат қилсин. Гўзал сўзларни айтиб, меҳрибонлик қилинг. Ҳаётнинг барча босқичларида яхшилик қилишни канда қилманг.

**46. Уларни аёл киши яхши кўрадиган нарсадан тўсманг.** Мисол учун, атирлар, пардоз буюмлари, янги кийимлар, кеча (базм)ларда кийиладиган либослар. Умрларини янгидан яшашларига қўйиб беринг.

**47. Агар отангизнинг бир нечта аёллари бўлса ва улар орасида муаммо келиб чиқса, уларни онангизнинг ёнларида мақтаманг, ёнларини олманг ёки онангизга қарши томонга ўтманг.** Шу ўринда онангиз ноҳақ, бошқалари ҳақ бўлса ҳам, улар томонда бўлманг. Уларнинг орасини отангизнинг бошқа аёлларига сездирмасдан ислоҳ қилинг (вазиятни оқилона ҳал қилишга урининг).

**48. Онангизнинг олдиларида бошқа бировларнинг тарбиясини кўпам мақтайверманг, уларга ўхшасам эди, уларнинг мартабаларига етсам эди, деган маънода гапирманг.** Чунки бу уларнинг қалбларини парчалайди ва сизга берган тарбияларидан

**Сулаймон Соқир “Онага яхшилик қилишнинг 150 йўли” китоби.**

**Абдуллоҳ РАҲИМБОЕВ таржимаси**

норозилигингизни очик изҳор қилган бўлиб қоласиз. Қолаверса, умрларининг кўп қисмини сиз учун сарфлаганларини унутманг.

**49. Гапирганларида қулоғингизни, кўзингизни ва хаёлингизни улар томонга қаратинг.** Бор эътиборингизни уларга қаратинг. Кулинадиган жойларида кулинг, хафа бўлинадиган жойларида эса хафа бўлинг. Ҳиссиз бўлманг.

**50. Уларга доимо табассум билан юзланинг.** Уларга ҳазил-мутойиба қилиб туринг. Меҳрибонлик билан кўнгилларини овланг. Хушмуомала бўлинг. Қийин дамларда жиддий, эътиборли, сергак бўлинг. Ҳолат сиздан шуни талаб қилади.

**51. Уларни дунёда ва унинг атрофида содир бўлаётган воқеалардан хабардор қилиб туринг.** Шунингдек, гўзал қиссалар, уларни хурсанд қиладиган воқеалардан сўзлаб беринг. Зеро, оналар фарзандларининг гапларини эшитишга муштоқ бўладилар.

**52. Уларнинг сизга берган тарбияларига доимо тасанно айтиб юринг.** Хизматларига тасанно айтинг. Ташаккур аралашган сўзларингизни қанда қилманг.

**53. Сизнинг ҳаётдаги энг катта бахтингиз улар бахт ила яшашлари, сиздан рози бўлишлари ва сиз у зотнинг бахтларининг сабабчиси бўлишингиз эканини билдиринг.** Шундай қилсангиз, уларнинг орзуларини амалга оширган бўласиз, зеро, уларнинг энг катта орзулари фарзандларининг уларни бахтли қилиш учун сарфлаган ҳаракатларидир.

**54. Агар уларнинг ҳам ота-оналари ҳаёт бўлса, уларга ҳам яхшилик қилишда бахиллик қилманг.** Онангизга бу борада ёрдам беришингиз ҳам, уларга яхшилик қилишга киради. Агар вафот этган бўлсалар, ҳақларига дуо, номларидан садақа ва шу каби ўликлар қувонадиган, онангиз эса рози бўладиган ишларни қилинг. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Одам боласи ўлганида амали кесилади. Илло уч нарса: жорий садақа, манфаат олинадиган илм ёки унинг ҳақиға дуо қиладиган солиҳ фарзанд мустасно**», — деганлар.

**Сулаймон Соқир “Онага яхшилик қилишнинг 150 йўли” китоби.**

**Абдуллоҳ РАҲИМБОЕВ таржимаси**

**55. Уларга яхшилик етиб турадиган бисот ҳозирлаб қўйинг.** Мисол учун, масжид қурилишида иштирок этиш, етимларни кафилликка олиш, Аллоҳнинг китобини ёд олаётганларга ёрдам бериш ёки заиф, мискин ва бечораҳол инсонларга қараш.

**56. Қачонки сизга бирор орзуларини ёки ўзларига тегишли бирор нарсани айтсалар,** уни сиздан қилишингизни сўрашларини кутмасдан, қўлингиздан келгунича, бундан-да афзалроқ кўринишда орзуларини амалга оширишга шошилинг.

**57. Ўзингизнинг машғулотларингиз, барча ишларингиз, жами дўстларингиз, ҳатто фарзандларингиз ва аёлингиздан ҳам кўпроқ уларга аҳамият ва вақт ажратинг.**

**58. Уйингизда уларни эъзозланг.** Сизникига ҳар доим келиб туришларини илтимос қилинг. Уйингизда уларнинг барча эҳтиёжларини қондиринг. Бу билан сиз уларнинг ҳаётларини ўзгартирган ва фарзандларининг мерхрибонлиги билан уларни бахтли қилган бўласиз.

**59. Агар ака-ука ёки фарзандлар билан бирор саёҳатга чиқадиган бўлсангиз,** уларни ҳам ўзингиз билан олиб олинг. Бу билан уларга қувонч ва шодлик берган бўласиз.

**60. Суюклиларингиз билан бирор ресторанга чиқадиган бўлсангиз,** албатта, улар ҳам ёнингизда бўлсин. Бу чиқиш уларнинг муайян бир ёшда бўлишларини талаб қилмайди. Балки бу билан сиз уларнинг ёшлари ўтса-да, ҳеч қачон аҳамиятсиз, эътиборсиз қолмасликларини исботлаган бўласиз.

**61. Супермаркетлар ёки қиммат бозорларга борсангиз, ўзингиз билан олиб боринг,** гоҳида бу уларнинг орзулари бўлади. Буни амалга ошириш қўлингизда экан, нега қилмайсиз?..

**62. Уларга отангизга ҳадя қилишлари учун эркаклар совғасидан ҳам олиб бериб туринг.** Бу билан сиз ҳар иккисига ҳам яхшилик қилган бўласиз.

**Сулаймон Соқир “Онага яхшилик қилишнинг 150 йўли” китоби.**

**Абдуллоҳ РАҲИМБОЕВ таржимаси**

**63. Отангизга тасаннолар айтинг.** Онангизнинг олдиларида отангиз билан бўладиган муомалани яхши ва гўзал қилинг. Албатта, бу ҳолат онангизни фахрлантиради.

**64. Уларнинг муомалаларини, уйни идора (тартиб) қилишларини, хўжайнларига итоатларини мақтаб турунг.** Бу уларни руҳлантиради ўринларини оширади ва ўзларига бўлган ишонч ортади.

**65. Кўпинча оилада онага энг яқин фарзандлар – қиз фарзандлар ҳисобланади.** Уларнинг сирларини сақланг, ўзингизнинг сирларингизга шерик қилинг. Уларни ҳар доим тушунишга ҳаракат қилинг. Шундай яқин бўлингки, гўё улар сизни бу каби муомалаларда ўзларининг дугоналаридек кўрсин.

**66. Албатта, фалокат ва машаққат каби синовларда онанинг ўғил фарзандларга муҳтож бўлади.** Бундай ҳолларда ўғилларнинг онага мустаҳкам суянчиқ бўлишлари, қийинчиликда у зот билан бирга бўлишлари лозим. Улар билан бирга бўлинг, суянчиқ бўлинг, қувватингиздан, тўғри фикрингиздан уларга беринг.

**67. Опа-сингилларингизга лутф қилинг, улар билан самимий бўлинг.** Опа-сингилларингиз билан бўладиган ишларда одобли бўлинг. Уларга тез-тез ҳадялар улашиб турунг. Бу онанинг бахти устига бахт қўшади. Чунки она қизларига меҳрибонлик қилгани яхши кўради.

**68. Онангиз қиладиган ишларидан ор-номус қилманг.** Гоҳида у ёшларига муносиб бўлади. Балки улар билан фахрланинг. Албатта, бунга рози бўлинг. Рози бўлгандан рози бўлади, ғазаблангандан ғазабланади. Шунини ҳам унутмангки, буларнинг бари шарият чегарасидан чиқадиган, урфга зид ишлар бўлмасин.

**69. Фарзандларингизга онангизни эъзозлашни ўргатинг.** Ҳар хил муносабатларда уларнинг ҳадялар беришларини таъминланг ва шуни йўлга қўйиб боринг.

**70. Қариганларида қўлларидан ушлаб юрунг, оёқ кийимларини тайёрлаб турунг, йўлларини кўрсатинг.** Албатта, сиз уларга қарашга энг ҳақли инсонсиз!

**Сулаймон Соқир “Онага яхшилик қилишнинг 150 йўли” китоби.**

**Абдуллоҳ РАҲИМБОЕВ таржимаси**

71. Фарзандларингизни онангизга яхши муомалада бўлишга ва бу ишда мусобақалаштиришларига замин яратинг. Уларни бунда рағбатлантириш учун ютганларини мақтанг, розиликларини топганларини мукофотланг.

72. Албатта, ҳар бир она ўз уйига кўп аҳамият қаратади. Шунинг учун ҳам уй, хонадон чиройли ва гўзал кўринишда бўлишини таъминланг. Уйнинг озодалигини ҳар доим сақланг. Ҳар қачон ва ҳар доим онангиз қилган ишларга таҳсинлар айтинг.

73. Ётоқхона она учун махсус хона ҳисобланади. Уларнинг хоналарига муносиб турли-туман ашёлар жойланг. Ёки уларга хоналарининг чиройли бўлиши учун нима хоҳласалар, шуни қилишга қўйиб беринг. Шунингдек, меҳмонхона ҳам оналар учун энг аҳамиятли хона ҳисобланади. Ўша ерларни ҳам энг гўзал кўринишга олиб келинг.

74. Онангизнинг қариндошларига яхшилик қилинг ва бунда уларга шахсан ўзингиз ёрдамчи бўлинг. Уларнинг ораларини боғлашда сабаб бўлинг.

75. Агар уларнинг муайян қизиқишлари бўлса, вақтингизни шунга, яъни қизиқишларига сарфланг, қизиқишларини амалга оширишга эҳтиёж туюлган нарсаларни ҳозирланг.

76. Қизиқишларингизда улар учун ҳам ўрин ажратинг. Онангиз учун алоҳида бир иш қилинг. Мисол учун, шоир бўлсангиз, улар ҳақларида қасида ёзинг. Ёзувчи бўлсангиз, улар номига ёки улар ҳақида қисқа бир қисса ёзинг ва ҳоказо.

77. Баъзи жамиятларда оналар ўз исмларининг фарзандларининг фарзандларига қўйилишини яхши кўришади. Лекин бундан уларни фарзандлари турмуш ўртоқлари билан барқарор турмуш кечиришлари, ихтиёрни уларнинг қўлларида қолдириш тўхтатиб қолади. Қаршилик қилсалар-да, фарзандларингизни у зотнинг исмлари билан номласангиз, қалбларидан хос ўрин эгаллаган, уларга яхшиликларига жавоб қайтариб, қалбларида юксак мақомга кўтариласиз. Бундан уларни бенасиб қолдирманг.

78. Уловингизга ҳаммадан олдин онангизни миндиринг. Тушишда ҳам, чиқишда ҳам улардан кейин чиқиб, улардан кейин тушинг.

**Сулаймон Соқир “Онага яхшилик қилишнинг 150 йўли” китоби.**

**Абдуллоҳ РАҲИМБОЕВ таржимаси**

Ёрдамнингизга мухтож бўлсалар, аксини қилинг. (Ҳар қайси маркаб ёки уловга ўтирганингизда, онангизнинг ортларида бўлинг. Мисол учун, учоқ, поезд ва бошқа транспорт воситаларига минилганда, онангиз ортларидан жой олинг. Тушишда ҳам чиқишда ҳам улардан кейин чиқиб, улардан кейин тушинг. Шу билан бирга буни ёнингизда қадрдонларингиз, ака-ука ва бошқа яқинларингиз билан бўлган вақтингизда ҳам, онангизни шундай кўринишда эъзозланг).

79. Уларнинг ёнларида кўрс-қўпол сўзлар, хунук сўзлар ёки кўча жаргонларини асло ишлатманг. Балки яхши фазилатларга (хислатларга) эга бўлган ибораларни, чиройли гапларни ишлатинг.

80. Баъзида фарзандлар томонидан болалар ва неваралар орасида онага яхши совға тақдим қилиш мусобақалари бўлиши мумкин. Шу каби ишларда болаларнинг қалбларида онанинг ўрнини юксалтириш, Аллоҳ таолодан кейин фазл эгаси она эканини эътироф этиш ва яхшиликка мусобақалашиб бор.

81. Дуолар мустажоб бўладиган вақтларда дуоларингизда доимий равишда онангизнинг ҳақларига дуо қилинг.

82. Дўстларингизни зиёфатга таклиф қилганингизда уларнинг меҳмондорчилик ҳақидаги илиқ фикрларини – мазали овқатлар, ажойиб ширинликлар, чиройли тузалган дастурхон ва ҳоказоларни онангизга етказинг. Бу уларни қанча хурсанд қилади-я!

83. Она билан ўтириб суҳбат қилиш учун ҳар хил кўнғироқларсиз ёки газета ва журналларни титкилашсиз махсус вақт жорий қилиш лозим.

84. Қиз фарзандлар дугоналари билан боғланганда (учрашганда) оналарини ҳам ўзлари билан олишсин. Бундан ҳеч бир шаклда хижолат чекишмасин, бирор йўл билан оналарини бундан қайтаришмасин.

85. Улар билан ҳар ерда, ҳар қандай мақом-мансабда фахрланинг.

86. Уларга онага яхшилик қилиш ҳақидаги қисса ва ҳикояларни айтиб беринг. Оналарнинг бу билан кўнгиллари ёришади.

87. Улардан ўзингиз учун дуолар олинг – Аллоҳ сизни уларга яхшилик қилишингиз билан ризқлантиришини сўраб. Бу сизнинг у зотга

**Сулаймон Соқир “Онага яхшилик қилишнинг 150 йўли” китоби.**

**Абдуллоҳ РАҲИМБОЕВ таржимаси**

миннатдорчилик билдиришга бўлган иштиёқингизни ва у зотга нақадар меҳрибонлигингизни билдиради.

88. Ҳар доим Сиздан рози бўлишларини ва дуолар қилишларини сўранг. Бу билан сизнинг ҳузурингизда уларнинг розиликлари қанчалик муҳим ва мартабалари қанчалик олий эканлигини кўрсатган, уларга ҳис қилдирган бўласиз.

89. Барча билан (оила, кўни-кўшни, маҳалла-кўй ва ҳоказо) ким энг кўп онага яхшилик қилишда мусобақалашинг. Бунда сиз доимо пешқадам бўлинг. Сиз онага яхшилик борасида янги йўлларни кашф этинг. Бу билан ўзингизга ажр, қолаверса, бу борада сизга эргашганларнинг ажрича ажр оласиз. Бунда уларнинг савобларидан бирор нарса камайиб қоладими?!

90. Улар ҳузурда, ёнларида овозингизни кўтарманг, хокисорлик қилинг, уларнинг буйруқ ёки хизматларини юмшоқлик билан амалга оширинг.

91. Онангиз билан бир шаҳарда турсангиз, уйингиз уларга узоқ бўлса, у ҳолда уй орасидаги масофани имкон қадар яқинлаштиришингиз керак бўлади. Бу йўл билан сиз уларга яхшилик қилишга ҳарислигингизни кўрсатган ва яхшилик қилишни осонлаштирган бўласиз.

92. Агар бошқа шаҳарда ишласангиз, уларни зиёрат қилишга топилган фурсатни ғанимат билинг. Уларни ўзингизга муштоқ қилманг. Улар сиз туфайли қийинчиликларга сабр қилган, яхши ҳаёт кечиришингиз учун қийналган зотдир. Уларни кўп ҳам интизор қилманг. Сиз билан кўришиб, кўнгиллари яйрасин.

93. Агар бошқа бир шаҳарда яшасангиз, ёлғиз ўзингиз онангизни зиёрат қилишингиз кифоя қилмайди. Оналар учун фарзанддан ҳам ширин бўлган неваралари фарзанд ўрнида ўтади. Ҳар сафар фарзандларингиз ва аёлингизни ўзингиз билан олиб боринг. Бу онангизнинг мақомларига лойиқ зиёрат бўлади. Уларни кўриш билан бахтлари зиёда бўлсин.

94. Кўп ишларда ҳавою нафсингизга хилоф қилиб, онангизнинг ишларини, талабларини, хоҳишларини устун қўйинг. Агар уларни билдирмасалар ҳам, шундай қилинг. Чунки яхшиликнинг

**Сулаймон Соқир “Онага яхшилик қилишнинг 150 йўли” китоби.**

**Абдуллоҳ РАҲИМБОЕВ таржимаси**

мукамаллиги у зотнинг орзу истакларини бирор калима сўзламасларидан ерига келтиришингиздир. (Баъзида онангиз томонларидан нафсингиз (ўзингиз) хоҳламаган ишларга ҳам буюрилишингиз мумкин. Балки ана шундай ўринларда шайтон уларга қилаётган яхшилик, ихлос ва ахлоқингизни кўролмагач вас-васа қилишга ўтган бўлар. Шайтон онанинг буйруқларига «хўп» демаслигингизни истаётган бўлар. Сиз ўз нафс, истак-хоҳишингиздан вос кечинг ва онангизнинг амрларига «лаббай» денг. Уларни доимо масрур қилишга урининг ва ҳар доим буйруқларини сўзсиз бажаринг).

95. Доим ўзингизни қаттиқ тергаб турун. Онангизга етарлича хизмат қиляпсизми ёки буни эплолмаяпсизми? Балки сиз онани рози қилишнинг бошқа йўллари излашингиз керакдир. Бу сизни доим уларга янада кўпроқ яхшилик қилишга, розиликларини олишга ундайди.

96. Ота-онангизга нима қилсангиз, фарзандларингиздан эртами кечми қайтишини асло унутманг. Ҳаётингизда ва ўлимингиздан кейин бахтли бўлишингиз учун уларнинг ризоликлари йўлида ҳаракатда бўлинг. (Мисол учун, уларга яхшилик билан муомала қилсангиз, фарзандларингиздан ҳам шу қайтади. Ёмонлик қилсангиз, ёмонлигингиз ўзингизга қайтади. Уларга қўл кўтарсангиз, фарзандларингиздан калтак ейсиз).

97. Агар онангиз хаста бўлиб қолсалар, уларни ёлғиз қолдирманг. Ҳолатни ўз назоратингизга олинг. Барча вақтингизни у зот билан ўтказинг. Уларга қараб тура оладиган кишини тайинланг. Доимо ёнидагилардан ҳол-аҳволларини сўраб турун, чунки улар заиф ҳолдалар, фарзандларига муҳтожлар. Онасини рози қилиб, нажотга эришадиганлар айнан шу вақтда билинади. Сиз улардан бўлинг. Уларнинг энг пешқадами бўлинг.

98. Ҳар доим ва ҳамманинг олдида либосларини, либос танлашдаги дидларини ҳам мақтангки, қалбларига хурсандчилик кирсин. Бу ишни ҳеч қанда қилманг.

99. Уларга сафарингиздаги ҳодисаларни ва таассуротлар ҳақида батафсил сўзлаб беринг. Дўсту биродарларингиз билан тушган

**Сулаймон Соқир “Онага яхшилик қилишнинг 150 йўли” китоби.**

**Абдуллоҳ РАҲИМБОЕВ таржимаси**

расмларингиз бўлса, уларни ҳам кўрсатинг. Ҳар бир сафар олдидан дуоларини олишни унутманг.

100. Онангизнинг ташвишларини малолланмасдан кутиб олинг. Фикр ва мулоҳазаларини ҳам очиқ кўнгил билан қарши олинг. Онангизнинг кўрсатмаларини товозе ва розилик билан бажаринг.

101. Ишларингизни онангиз билан маслаҳатлашинг. Насиҳатларига амал қилинг. Берган маслаҳатларини олинг.

102. Онангиз олдларига борганда у зотнинг даражалари ва мартабаларига лойиқ йўл билан ўтиринг (яъни онангиздан ўтиришга рухсат сўраб, қўлларини ўпиб, у зот кўрсатган ўринга ўтиринг).

103. Уларнинг олдларида овқатланганда одоб билан овқатланинг. Шунингдек, улар егуликлардан, ичимликлардан ва бошқа нарсалардан нимани ёқтирсалар, олиб келиб қўйинг.

104. Уларнинг руҳий ҳолатларини ўрганинг ва шунга кўра муомала қилинг. Ҳаёт йўлларини анланг ва шуни ҳисобга олиб ҳаракат қилинг. Орзу-истакларини билиб олиб, зиёдаси билан адо қилинг.

105. Қиз фарзандлар оилавий ҳаётларида онани унутиб қўймасликлари лозим. Қизларнинг турмуш ўртоқлари ва оилалари онага яхшилик қилишдан тўсмаслиги лозим. Онанинг атрофида қанча ўғил фарзандлар бўлса ҳам, онанинг қалбида қиз фарзанднинг алоҳида ўрни бор. Оналар учун улар, яъни қиз фарзандлар қийинчилик ва тушқунлик пайтида маслаҳатлашиладиган ўзига хос инсонлар ҳисобланади.

106. Оналарнинг шундай эҳтиёжлар бўладики, уларга ўғил фарзандларнинг ақли етмайди, шунинг учун ҳам қиз фарзандлар онанинг қиз фарзандга эҳтиёжи тушадиган ўринларда аҳамиятли бўлиб, уни амалга оширишлари даркор.

107. Аҳлингиз билан онангизни кўришга борганингизда фарзандларингизни уй жиҳозларини тўзитаиб юборишига йўл қўйманки, улар кетганидан кейин онангиз уларни тартиблашга уриниб, чарчаб қолмасинлар. Ёки уйда безалган баъзи нарсаларга фарзандларингиз талафот етказишининг олдини олинг. Чунки бу онангизни

**Сулаймон Соқир “Онага яхшилик қилишнинг 150 йўли” китоби.**

**Абдуллоҳ РАҲИМБОЕВ таржимаси**

малоллантиради ва асабларини бузади. Лекин сизнинг хотиржамлигингиз учун сукут сақлайдилар.

108. Агар фарзандларингиз юқорида айтиб ўтилганидек уйнинг ашёларига зарар келтиргудек бўлса, дарҳол уларни тузатишга, созлашга шошилинг. Ёки ундан ҳам яхшисини олиб беринг.

109. Маълумки, ҳар бир хаста бўлган инсон ўзгариб қолади. Онангиз хасталансалар, шу аснода уларни зиёрат қилишга ва бу каби оғир дамларда ёрдам беришга интилишингиз даркор. Лекин бундай ўринларда болалар билан безовта қилишдан эҳтиёт бўлиш керак, қийин ҳолдаги инсонни бу нарса қийнаб қўяди.

110. Неваралар кўп бўлса, онани зиёрат қилиш дастурини тузган маъқул. Ҳамминг бир кунда бориши тўғри эмас. Бундай ҳолат онага оғирлик қилиши мумкин. Невараларнинг қайси бирини эркалайдилар, қайси бирини алдайдилар (ўйнатиш маъносида), шуларни ҳам ҳисобга олиш даркор.

111. Кўп болали оилалар бирор ерга дам олишга, саёхатга ёки боққа айланишга чиқиб турганлари яхши. Чунки оналар ёшлари улуг бўлганда, болаларнинг шовқинига тоқат қилолмайдилар.

112. Фарзандлар оналарига совға сифатида ва оналари олдидаги бурчларининг бир қисмини адо қилиш мақсадида молларидан бир қисмини ажратишлари муносибдир.

113. Фарзандлардан ҳар бирининг бошқаларидан ажралиб турадиган алоҳида хусусияти бўлади. Уларнинг орасида тиришқоғи, тўғри фикр юритадигани, қувноғи ва бошқа шу кабилари бор. Ҳар бир фарзанд ўзи эга бўлган хусусият билан онасига ёрдам бериши ва уни хурсанд қилиши керак.

114. Кам учрашиш – ёқимли меҳмон (меҳмонга тез-тез бориб турма – азиз бўласан). Бу барча ҳолатга тегишли қоида, лекин она ва фарзанд орасидаги муносабат бунда мустасно. Она боласини кўришдан ҳеч малолланмайди. Агар онангнинг қалбидаги муҳаббат зиёдалашишини хоҳласанг, ундан ҳеч узилиб қолма.

**Сулаймон Соқир “Онага яхшилик қилишнинг 150 йўли” китоби.**

**Абдуллоҳ РАҲИМБОЕВ таржимаси**

115. Онангизга замонавий алоқа воситаларидан олиб беринг ва ундан фойдаланишни ўргатинг. Ундан бўладиган харажатларни ўз зиммангизга олинг. Бу билан онангизга ва у зот билан боғланган кишига яхшилик қилган бўласиз.

116. Агар онангизнинг мобил телефонлари бўлса, у зот учун энг гўзал ибораларни танлаб, сўнгра жўнатишингиз яхши бўлади. Бу онангизнинг қалбини илтиб, сизга яқинлигини зиёда қилади.

117. Агар онангизни ёшлари катта бўлса, дўстларига совға улашишда ёрдамлашингиз мумкин. Онангиз дўстларига ва танишларига совға қилишлари учун бир нималарни сотиб олинг ва уни гўзал тарзда ғилофланг.

118. Агар фарзандлар оналаридан ҳол-аҳвол сўраш учун кўнғироқ қилишса, гаплашишга шошилмасликлари керак. Балки ораларидаги мулоқотни хотиржам олиб боришлари, уларнинг гапларини эшитишлари зарур. Биз онамиз билан гаплашганимизда уларнинг аҳволларини сўрашимиз, ҳаётимиздаги қизиқ воқеалардан айтиб беришимиз, ишларимиз жойида эканини айтиб, уларни хотиржам қилишимиз лозим. Буларнинг барчасини малолланмасдан, сиқилмасдан ва узоқ мулоқотдан ёки вақтнинг озлигидан сабрсизланмасдан амалга ошириш даркор. Биз мулоқотни онамиз ўзлари якунламагунча тўхтатмаслигимиз лозим.

119. Онамизнинг олдларида сўзлашиш одобларига риоя қилишимиз керак. Овозимизни кўтармаслигимиз ёки шивирламаслигимиз, баҳслашмаслигимиз, улар ёмон кўрадиган наса ҳақида гапирмаслигимиз лозим.

120. Сафардан келганингизда сафар қилган шаҳрингиздан онангиз учун совға олиб, уларга тақдим қилинг. Бу совға сизнинг сафарингизни уларга эслатиб туради ва қайтганингиз учун бўлган хурсандчиликларини зиёда қилади.

121. Онамиз болаликларида ёки турмушларининг аввалида яшаган жойлари. Булар ҳақида фикр юритиб кўрдикми? Уларнинг бу гўзал лаҳзаларини ёдларига солиш ҳаёлимизга келдими? Агар буни амалга

**Сулаймон Соқир “Онага яхшилик қилишнинг 150 йўли” китоби.**

**Абдуллоҳ РАҲИМБОЕВ таржимаси**

оширсақ, онамизнинг болалик ва ёшлик чоғларига қайтишлари учун энг ажойиб қадамни ташлаган бўламиз.

122. Ака-укаларимизга онага яхшилик қилиш фазилатларини ўргатишимиз, уларни онани бахтли қилиш учун ўзаро мусобақалашига қизиқтиришимиз керак, уларни ушбу фазилатлар билан безанишига ҳарис бўлайлик.

123. Ота-онангиз бир-бирларидан ажрашадиган бўлишса, ёмон кўрганингиз учун уларнинг бирларидан юз ўгирманг.

124. Оилада баъзи оилавий муаммолар учраганда, «кема»ни сақлаб қолиш учун унга дипломатик ечим топинг.

125. Агар онангиз отангиздан бошқа эркак билан оила курсалар, ўгай отангизни ҳурмат қилинг, унга яхши муомалада бўлинг ва турли муносабатлар билан унга совғалар улашинг. Бу онангизнинг қалбларини хотиржам қилади.

126. Агар онангиз отангиздан бошқа кишига турмушга чиқадиган бўлса, ўгай отангизни ҳурматини жойига қўйинг, ишларингизда у билан маслаҳат қилинг ва насиҳатини олинг.

127. Онангизни эъзозлаган кишилар билан телефон орқали боғланиб туринг ва уларга яқинлари билан алоқа қилишга шароит яратиб беринг.

128. Онангиз қариликдан заиф ҳол бўлиб қолганларини назардан қочирманг. Қўлларидан ушланг, йўлларидан етаклаб юринг, ҳожатларини раво қилинг, у кишининг ҳақларида камчиликка йўл қўйманг.

129. Агар бирор ишда онангиз билан фикрингиз айри бўлса, ўз фикрингизда туриб олманг. Хато бўлса ҳам, уларнинг барча фикрларини қабул қилинг. Аллоҳ таолога маъсият бўладиган ўринлар бундан мустасно. Агар шундай бўладиган бўлса (яъни онангиз Аллоҳ таолога маъсият бўладиган иш устида бўлсалар), ўз фикрингизни уларнинг адашиб чиқарган қарорлари нотўғри эканини тушунтириш йўли билан билдинг.

**Сулаймон Соқир “Онага яхшилик қилишнинг 150 йўли” китоби.**

**Абдуллоҳ РАҲИМБОЕВ таржимаси**

130. Агар онангиз бирор журнални кузатиб борсалар, уларни совға сифатида ўзларига муносиб журналга обуна қилиб қўйинг.

131. Уларни ҳар замон ва ерда молиявий жиҳатдан таъминланг. Сиздан сўрагунларигача қўйиб қўйманг.

132. Агар онангизнинг эҳтиёжлари тушган нарсани харид қилсангиз ёки керакли бўлган нарсани олиб борсангиз, нарсаларнинг пулини улардан олманг. Балки уни кичик бир совға сифатида беринг.

133. Агар сиз банк ҳисоблари билан муомала қила олсангиз, онангиз учун банкдан алоҳида ҳисоб очинг ва уларга банкомат билан қандай ишлашни ўргатинг.

134. Агар онангизга нисбатан қандайдир номақбул ишга қўл урган бўлсангиз, уларга энг азиз одамни орангизда восита қилиб узр сўранг. Шоядки, узрингизни қабул қилиб, хатойингизни кечирсалар.

135. Агар онангизнинг ёшлари катта бўлса, уларга буни ҳис қилдирадиган сўзлар билан мурожаат қилманг. Бу уларнинг сиқилишларига сабаб бўлади ва қалбларини яралайди. Бундан ҳазир бўлинг.

136. Агар турмушда отангиз билан бўлган муомалаларида хато қилаётганларини кўрсангиз, буни уларга тўғридан-тўғри айтманг. Уларнинг ғурурларига жароҳат етмайдиган қилиб етказинг.

137. Доимо онангизнинг розликларига элтадиган янги воситалар ҳақида фикр юритинг. Атрофингизда оналарига яхшилик қиладиганлар ҳақида тааммул қилинг. Уларнинг фикрларини олиб, онангиз билан бўлган ҳаётингизга татбиқ қилинг.

138. Ҳеч қачон онангизга яхшилик қилишда бир чегарада туриб қолманг. Балки улар учун барча ишни қилинг. Бу сизнинг зиммангиздаги уларнинг энг кичик ҳақларидан саналади. Доимо уларга яна ҳам мукамал, яна ҳам кўпроқ яхшилик қилиш йўлларини изланг.

139. Онангизнинг қайси ишлари, фикрлари, қарашлари бўлмасин, уни зоҳирингизда ҳам ботинингизда ҳам арзимас санаманг. Балки улардан

**Сулаймон Соқир “Онага яхшилик қилишнинг 150 йўли” китоби.**

**Абдуллоҳ РАҲИМБОЕВ таржимаси**

баъзи бирларини амалга оширинг, баъзи бирларини яхши муомала қилиб тушунтиринг.

140. Онангизнинг сўзларини бўлманг, гапираётганларида ўз ишингиз билан шуғулланманг ёхуд улар билан гаплашаётганда бошқа кишини эшитманг. Онангизни жон қулоғингиз билан тингланг.

141. Онага яхшилик қилиш ҳақидаги ҳадислардан, онасига яхшилик қиладиган солиҳ кишилар сийратларидан доимо хабардор бўлинг. Бу сизнинг ҳимматингизни зиёдалаштиради.

142. Агар онасига оқ бўлганларни кўрсангиз, «Мени уни балолаган нарсадан омонда қилган Аллоҳга ҳамд бўлсин», денг. Бу Аллоҳ таоло сизни ичи қораларнинг ёмонлигидан ҳимоя қилишга ёрдам беради.

143. Онангиз билан бир ерда бўлганда уларга орқангизни қилманг, узоқда ўтирманг, сиз хизматларида энг охирги киши бўлишга рози бўлманг. Уларнинг энг яқинларида ўтиришга ва хизматларига шошилишга ҳарис бўлинг.

144. Агар онангиз юришни хоҳласалар, оёқ кийимларини олдларига қўйинг, уларнинг қўлларидан ушланг ва бирга сайр қилинг. Буни ўзингизга одат қилиб олинг.

145. Онангиз ҳақларидаги хабарларни энг охирида эшитувчи, уларни энг охирида табрикловчи ёки мусибатларида охирги ҳамдардлик билдирувчи киши бўлманг. Бунда доим пешқадам бўлинг. Бу сизнинг уларга бўлган аҳамиятингизни кўрсатади.

146. Сизга онангиз бақирган ёки сиздан ғазабланган пайтда уларга дарҳол жавоб қайтарманг ва ғазабларига сабаб бўлган ишни очиқлашга уринманг. Сабр қилинг ва ғазабларига сабаб бўлган ишни тушунтириш учун қулай фурсат топинг. Агар хато қилган бўлсангиз, узр сўранг, бошларидан ўпинг ва кечиришларини сўранг.

147. Баъзи оналарнинг ғазаби тез бўлади. Сизнинг онангиз ҳам шундай бўлсалар, сабр қилинг ва бардошли бўлинг. Уларнинг ушбу ҳолатларига кўникинг ва улар учун Аллоҳ таолодан офият сўранг.

**Сулаймон Соқир “Онага яхшилик қилишнинг 150 йўли” китоби.**

**Абдуллоҳ РАҲИМБОЕВ таржимаси**

Сабрингизнинг қиёматда ҳисоб-китобда яхшилик палласига қўйилишини Аллоҳдан сўранг.

148. Бир қоғозга онанинг сифатларини ёзинг, сўнгра уларнинг қалбларига етиб бориши ва уларга яхшилик қилиш учун мумкин бўлган барча йўллари ёзинг.

149. Атрофингиздагилар ҳақида фикр юритинг. Оналарини йўқотганларга қаранг. Улар кўп яхшиликлардан бебаҳра қолганлар. Эшик олдингизда очиқ турган экан, нега камчиликка йўл қўйишингиз керак? Ажал етиб келишидан олдин амални яхши қилинг.

150. Онангиз касал бўлганларида сафарларингизни кечга сурунг, мажбуриятларингизни бекор қилинг ва барча эътиборингизни онангизга қаратинг. Улар фарзандларини кўрганларида ўзларини яхши ҳис қиладилар.

Manba: Azon.uz

Pdf shaklga Abror Siddiq tayyorladi.

t.me/Abror\_Siddiq

t.me/Abdulloh\_Rahim

**Сулаймон Соқир “Онага яхшилик қилишнинг 150 йўли” китоби.  
Абдуллоҳ РАҲИМБОЕВ таржимаси**

**Сулаймон Соқир “Онага яхшилик қилишнинг 150 йўли” китоби.  
Абдуллоҳ РАҲИМБОЕВ таржимаси**